



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING
B U Y R U G' I

20 19 yil " 08 " 07

№ 174

Toshkent sh.

**Чет эл фуқароларига тиббий хизматлар экспорти бўйича
ҳисоботларни ҳар ойда тақдим этилиши тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистика тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги 259-Ф-сонли Фармойиши, ва 2019 йил 11 июнда ўтказилган видеоселектор йиғилишини 1-сонли баёни 7-банди ижроси бўйича тиббий хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган тиббий хизматлар экспорти ва импорти ҳажмларини статистика ҳисоботларида тўлиқ акс эттириш тўғрисидаги Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 28 июндаги 01/2-09-15/2-183-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, Республика тасарруфидаги барча даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари:

соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт муассасаларида чет эл фуқароларига кўрсатилаётган тиббий хизматлар экспорти тўғрисидаги маълумотларни “Ташкилот фаолияти тўғрисида”ги ҳисобот 1-К shakli ойлик ҳисоботни Давлат статистика қўмитасига ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат-хусусий шерикликни ва тиббий туризмни ривожлантириш бош бошқармасига ҳар ойнинг 5-санасидан кечиктирмай топширилиши таъминлансин.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Ли Донг Ук зиммасига юклатилсин.

Вазир

А.Шадманов